

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲИМҚУЛОВ ҒАЙРАТ НОРҚЎЧҚОРОВИЧ

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТОЖИК МАТБУОТИНИНГ ТИЛИ
ВА УСЛУБИ («Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталари
материаллари асосида)**

**10.00.05. – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти (тожик тили ва
тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.PhD/Fil.225 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Элгазаров Жўлибой Данабаевич
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ҳасанов Абдужамол Ашрафович
филология фанлари доктори, профессор

Мўминов Файзулла Абдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи илмий муассаса:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Мухиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., проф.

Ж.Д.Элгазаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

Ж.Ҳамроев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги глобаллашув ва ахборот технологиялари даврида инсоният ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг, жумладан, газеталарнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Жаҳон тилшунослигида газеталарнинг тили ва услуги нутқнинг энг таъсирчан ва мақбул шакли, жамоатчилик фикри, қарашлари ва кайфиятларини шакллантиришнинг самарали механизми сифатида намоён бўлаётганлиги эътироф этилмоқда. Шу билан бирга, газета нафақат ахборот билан таъминлаш воситаси, балки тилнинг имкониятларини, гўзаллигини, адабий меъёр талабларига мослигини намоён этувчи муҳим восита сифатида қаралади.

Жаҳон тилшунослигида газета тили ва услугини семиотик, когнитив, лингвопрагматик, социологик, психоллингвистик ва культурологик аспектларда таҳлил қилишнинг назарий-методологик асослари пухта ишланган. Ана шу асосда республикада яшовчи турли этник гуруҳлар тилида нашр этилувчи газеталарни тил, услуб, мавзулар ва жанрлар, журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати нуқтаи назаридан таҳлил этиш, уларнинг ютуқларини умумлаштириш, фаолиятларидаги баъзи етишмовчиликларни очиб бериш муҳимдир.

Мустақиллик йилларида республикамизда шаклланган матбуот тизимида республиканинг тожик миллатига мансуб фуқароларини объектив ахборот ҳамда янгиликларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи «Овози тожик» ҳамда «Овози Самарқанд» газеталарининг алоҳида ўрни бор. Шу сабабли юртимиздаги тожик журналистикаси ва тожик тилида нашр этиладиган газеталар тилида юз берган ўзгаришларни илмий баҳолаш, жумладан, уларнинг тили, услуги ва жанрларидаги муаммоларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ этиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омил ҳисобланади. Зеро, газеталар тили ва услуги уларнинг асосий хусусиятлари, мақсади, моҳияти ва вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Республикадаги тожикча нашр этиладиган газеталар тили, услуги ва улардаги жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини замонавий мезонлар билан очиб бериш ана шу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегиясида "...оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш"¹ зарурлиги кўрсатиб ўтилган, бу эса газеталар тили ва услуги бўйича тадқиқотлар кўламини оширишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 541-И-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги "Ўзбекистон Матбуот

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси // "Халқ сўзи", 2017 йил, 8 февраль.

ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-3223-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тоҷик тилшунослигида газеталар тили ва услубини ўрганиш бўйича муайян тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, И.Усмоновнинг тадқиқотида 1917-1929 йиллар нашр этилган тоҷик матбуоти тилига доир тарихий маълумотлар ўз ифодасини топган¹. Т.Бердиева тоҷик тили газеталари тилида термин қўллаш масалалари ва ўзига хос лексикаси тўғрисида фикр юритган². Р.Тўрахўжаеванинг номзодлик диссертациясида «Ҳақиқати Ўзбекистон» (ҳозирги «Овози тоҷик») газетасида тоҷикча ва араб тилига хос сўзларнинг ишлатилиши таҳлил этилган³. М. Шукуровнинг «Ҳар суҳан чоеву ҳар нукта мақоме дорад» номли илмий рисоласида тоҷик газеталари тили лексикасининг айрим камчиликлари тўғрисида фикр юритилган⁴. Мустақиллик даврида Тоҷикистон Республикасидаги тоҷикча газеталарнинг тилидаги жиддий камчиликлар тўғрисида ҳам айрим тадқиқотлар яратилган. Проф. Б.Қамолитдинов «Адабиёт ва санъат», «Маърифат», «Паёми Душанбе», «Чавонони Тоҷикистон», «Чархи гардун», «Чумхурият», «Чунбиш», «Садои мардум» ва бошқа газеталарнинг тилини таҳлил этиб, улардаги луғавий, фонетик, услубий ва грамматик камчиликларни фактлар билан асослайди⁵. «Забон ва истиқлол» номли илмий мақолалар тўпламида Тоҷикистон Республикаси мустақиллик даври тоҷик матбуоти тилининг кўп муҳим масалалари ёритилган⁶. М. Қосимова «Баъзе қайдҳо дар бораи забони ахбори омма» номли мақоласида газета ва журналларда сўз ва сўз бирикмаларини ўз ўрнида ишлатмаслик ва тоҷик тили имло қоидаларига риоя этмаслик тўғрисида мулоҳаза билдирган⁷. Проф. С.Назарзоданинг «Аз "Бухорои шариф" то "Чумхурият". Нигоҳе ба забони рӯзномаҳои тоҷик» номли мақоласида 20-аср давомида тоҷик тилида Ўзбекистон ва Тоҷикистонда тоҷик тилида чоп этилган газеталарнинг тилида юз берган

¹ Усмонов И. К. Становление и развитие таджикской печати в 1917-1929 г.г. АКД. -М., 1976.

² Бердиева Т. Газетная лексика и вопросы терминологии. Масъалаҳои забоншиносӣ. - Душанбе, 1983.

³ Тураходжаева Р. Лексические новообразования русско-интернационального происхождения в таджикском языке (по материалам газеты «Ҳақиқати Ўзбекистон» за 1950-1975 г.г.). Диссертация. - Душанбе, 1986.

⁴ Шукуров М. Ҳар суҳан чоеву ҳар нукта мақоме дорад. - Душанбе: Ирфон, 1985.

⁵ Қамолитдинов Б. Суҳан аз баҳри дигарон гӯянд. - Душанбе: Интерньюс, 2001.

⁶ Забон ва истиқлол (мачмӯаи мақолаҳо). - Душанбе, 2001.

⁷ Қосимова М. Н. Баъзе қайдҳо дар бораи забони омма. Забон ва истиқлол (мачмӯаи мақолаҳо). - Душанбе, 2001, сах. - 41-48.

тадрижий тараққийёт ва ўзгаришлар таҳлил этилади¹. Тожик тилшунослигида олиб борилган бу каби тадқиқотлар диққатга сазовор, аммо уларда оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуби ҳақида баъзи мулоҳазалар баён қилинган.

Ўзбек тилшунослигида бу масаланинг бир қатор муҳим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, А.Бобоева, Т.Қурбонов, А.Абдусаидов ва бошқаларнинг тадқиқотларида публицистик услуб, газета тили, газета жанрларининг тили ва услуби ҳар томонлама тадқиқ этилган². Публицистик услуб, газета тилининг ўзига хос хусусиятлари рус тилшунослигида ҳам атрофлича ўрганилган³.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда нашр этилаётган «Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталарининг тили ва услубида, мавзулар ва жанрлар кўламида, журналистларнинг касбий маҳоратида жиддий ўзгаришлар юз берди, бу эса мавзунини монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд Давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Тожик-форс тилининг лексикологияси, лексикографияси ва услубиётига доир айрим масалалар» мавзусидаги илмий ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади истиқлол даврида Ўзбекистонда нашр этилаётган тожик газеталари тилининг шаклланиши, газета тилининг турли жанрлари бўйича хос хусусиятларини тадқиқ қилиш бўлиб, мустақиллик даврида «Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталари тили ва услубини монографик шаклда ўрганишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар қўйилди:

Ўзбекистондаги тожик газеталарининг қисқача тарихи ва ижодий йўлини таърифлаб бериш;

¹ Назарзода С. Аз "Бухорои шариф" то "Ўзбекистон" Нигоҳе ба забони рӯзномаҳои тоҷик > http://www.jumhuriyat.tj/index.php?art_id=8924 (September, 2017)

² Бобоева А. Газета тили ҳақида. - Тошкент: Фан, 1983; Қурбонов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Тошкент, 1987; Абдусаидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. - Самарқанд, 2001.

³ Қаранг: Теория и практика периодической печати. - М., 1980; Пельт В. Д. Дифференциация газетных жанров. - М., 1984; Информационные жанры газетной публицистики. - М., 1986; Аналитические жанры газеты. Хрестоматия. - М., 1989; Проблемы газетных статей. - Л.: Изд. ЛГУ, 1962; Стилистика газетных жанров. - М.: Изд. МГУ, 1981; Язык и стиль средств массовой информации и пропаганды. Сб. статей. - М.: Изд. МГУ, 1980; Солганик Г. Я. Язык и стиль передовой статьи. - М.: МГУ, 1973; Солганик Г. Я. Лексика газеты. - М.: Высшая школа, 1981; Прохоров Е. Введение в теорию журналистики. - М.: Аспект пресс, 2005; Прохоров Е. Журналистика и демократия. - М.: Аспект пресс, 2004; Богомолова Н. Н. Социальная психология печати радио и телевидения. - М.: Изд. МГУ, 1991. Телевизионная журналистика: Учебник 4-е издание //Редколлегия: Г. В. Кузнецов, В. Л. Цвик, А. Я. Юровский. - М.: Изд-во МГУ, Изд. «Высшая школа», 2002. Есин Б.И., Кузнецов И. В. Триста лет отечественной журналистики (1702-2002). - М.: Изд. Моск. ун-та, 2002. От книги до Интернета. Журналистика и литература на рубеже нового тысячелетия (Отв. редакторы Я. Н. Засурский и Е. Л. Вартамова. - М.: Изд. Моск. ун-та, 2000. -(21 век: информация и общество).

газета жанрларини ва уларнинг ўрганилиш даражасини таснифлаш;
хабар, репортаж, ҳисобот, интервью каби ахборот жанрларининг тилини ўрганиш;

тахлилий (аналитик) жанрлар: корреспонденция, мақола, тақриз, шарҳ, обзор, хат ва уларнинг тилини тадқиқ этиш;

бадий-публицистик жанрлар: лавҳа, очерк, фельетон ва уларнинг тили ва услубини ўрганиш;

мустақиллик даврида тожик матбуотининг тили ва услубида луғавий ўзгаришларнинг вужудга келиши, уларни таснифлаш ва ўзига хосликларини аниқлаш;

газеталар тилида адабий меъёрга амал қилиш даражасини аниқлаш, матбуот тилида адабий меъёр бузилишларини ўрганиш; адабий меъёрга риоя этмаслик ҳолатларини бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида нашр этиладиган «Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталари материаллари (1991-2017 йй.) танланган.

Тадқиқотнинг предмети «Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталарида чоп этилган, турли мавзу ва жанрлардаги материаллар ҳамда уларнинг лисоний, услубий, лексик-фразеологик ва синтактик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда компонент таҳлил, тавсифий, семантик ва қисман статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тожик матбуоти тарихининг асосий босқичлари, мустақиллик йилларида тожик газеталари тили ва услубида юз берган лексик-стилистик, грамматик-услубий, луғавий-семантик, меъерий ўзгаришлар асослаб берилган;

тожик даврий матбуотидаги хабар, репортаж, ҳисобот, интервью каби ахборот (информацион) жанрлар; корреспонденция, мақола, тақриз, шарҳ, обзор, хат каби тахлилий (аналитик) жанрлар; лавҳа, очерк, фельетон каби бадий-публицистик жанрлардаги материаллар тилининг аниқлик, информативлик, образлилик каби асосий хусусиятлари очиб берилган;

истиклол даврида «Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталари тилининг асосий лисоний ва услубий белгилари, улар тилидаги луғавий ўзгаришлар ва жанрларда қўлланилган сўз ва ибораларнинг лексик-семантик тараққиёти масалалари ёритиб берилган;

газеталарнинг тожик адабий тили меъёрларига амал қилиш даражаси баҳоланган, тил бирликларини тўғри қўллаш ва журналистнинг нутқий маҳоратини ошириш йўллари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр этилаётган тожик даврий матбуотининг юксалиш ва тараққиёт йўлини таърифлаб бериш орқали чиқарилган хулосалар тожик услубшунослиги ва журналистикаси учун

муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тожик газеталарининг тили ва услубини такомиллаштиришга, улардаги услуб ва сўз қўллашдаги камчиликларнинг олдини олишга хизмат қилиши асосланган;

тожик газеталари тилида юз берган ўзгаришлар ва унинг лексик, услубий хусусиятларининг асосий белгилари ёритиб берилган;

тожик матбуотидаги жанрларнинг хусусиятлари, уларнинг газета тилининг оммабоплиги ва таъсирчанлигини очиб беришдаги роли асослаб берилган;

газета тилининг умумхалқ жонли тили, анъанавий тожик тили билан алоқаси, адабий нормага амал қилиш даражаси очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилганлиги, миллий тилшунослик ва адабиётшуносликнинг энг сўнгги илмий ютуқлари асосида матний-қиёсий ва таҳлилий-қиёсий усуллар ёрдамида ечилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мустақиллик давридаги тожик даврий матбуотининг жанрлари, уларнинг таснифи, тили ва услуби, ахборот, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари ва фарқлари, матбуот тилида учрайдиган луғавий ўзгаришлар, матбуот тилида адабий меъёрга амал қилиш даражаси, улардаги камчиликларнинг илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалар тожик матбуотидаги турли жанрларни ўрганиш, газета тилини таҳлил этиш, шунингдек, журнал, радио, телевидение тили хусусиятларини ўрганиш ва уларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, улардан тожик филологияси таълим йўналиши талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, журналистлар, таҳририят ходимлари ва тарғиботчилар учун услубий тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталарининг тили ва услубини ўрганиш асосида қўлга киритилган илмий натижалардан:

республика миқёсида нашр этилувчи «Овози тожик» газетасининг ва бошқа тожик тилидаги даврий нашрларнинг тили ва услубини такомиллаштиришга, уларда эълон қилинаётган материалларнинг сифатини оширишга хизмат қилган (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2017 йил 6 декабрдаги № 01-3741-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши «Овози тожик» газетасида эълон қилинаётган турли жанрлардаги мақолаларнинг мазмуни ва мундарижасини бойитган, газета тилида тожик адабий тили меъёрларини тўғри қўллашга хизмат қилган.

Самарқандда нашр этилаётган «Овози Самарқанд» газетасида эълон қилинаётган материалларнинг назарий, ижодий ва услубий савиясини

оширишга хизмат қилган, журналист-кадрларнинг касбий маҳоратининг юксалишига хизмат қилган (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2017 йил 6 декабрдаги 01-3741-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ушбу газетада эълон қилинган турли жанрлардаги мақолаларнинг ижодий савиясини оширишга, газета тилидаги баъзи лисоний ва услубий камчиликларни тугатишга хизмат қилган.

«Сиёсий конфликтшунослик ва журналистика: сиёсий жараёнларни таҳлил этишнинг назарий-услубий йўналишлари» мавзусидаги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2007-2011 йилларда бажарилган ОТ-F8-160-рақамли фундаментал лойиҳада татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги ФТА-02-11/1275-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалардан «Сиёсий конфликтшунослик ва журналистика» ўқув қўлланмасининг «Этнохудудий ва миллатлараро конфликтлар» ҳамда «XXI асрда инсоният тақдири. Конфликтларни ўрганишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзуларини ёритишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, улардан 3 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 158 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва материаллари, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Тожик матбуотида газета жанрлари, уларнинг тили ва услубини ўрганиш муаммолари**» номли биринчи бобида мамлакатимиздаги тожик матбуоти тарихи, газета жанрларининг ўрганилиши ва долзарб муаммолар тадқиқи бўйича турли тилшуносликларда олиб борилган изланишларга қисқача обзор берилган. Газета ва журналлар тили публицистик услубнинг бир тармоғи сифатида турли тилшуносликларда махсус ўрганиб келинмоқда. Ўзбек тилшунослигида публицистик услуб

Т.Қурбонов томонидан махсус ўрганилган¹, шунингдек, А.Бобоева, К.Юсупов, А.Абдусайдов ва бошқаларнинг илмий изланишларида газета тилига хос белгилар умумлаштирилган ҳолда қайд этилган². Ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотлар газета жанрларининг тили ҳар томонлама, яъни руқн, сарлавҳа, матннинг лексик-семантик, грамматик, стилистик ва адабий норма нуқтаи назаридан ўрганилганлиги, газетада таъсирчанликни, эмоционал-экспрессивликни таъминлашда тил воситаларининг ўрни кўрсатилганлиги билан эътиборни тортади.

Тоҷик тилшунослигида ҳам публицистик услуб, хусусан, газета тилининг турли хусусиятларини ўрганиш соҳасида айрим тадқиқотлар яратилган. Жумладан, И.Усмоновнинг тадқиқотида 1917-1929 йиллар нашр этилган тоҷик матбуоти тилига доир тарихий маълумотлар ўз ифодасини топган³. Т.Бердиева тоҷик тили газеталари тилида термин қўллаш масалалари ва ўзига хос лексикаси тўғрисида фикр юритган⁴. Р.Тўрахўжаеванинг номзодлик диссертациясида «Ҳақиқати Ўзбекистон» (ҳозирги «Овози тоҷик») газетасида тоҷикча ва араб тилига хос сўзларнинг ишлатилиши таҳлил этилган⁵. М. Шукуровнинг «Ҳар суҳан чоёву ҳар нуқта мақоме дорад» номли илмий рисоласида тоҷик газеталари тили лексикасининг айрим камчиликлари тўғрисида фикр юритилган⁶.

Мустақиллик даврида Тоҷикистон Республикасидаги тоҷикча газеталарнинг тилидаги жиддий камчиликлар тўғрисида ҳам айрим тадқиқотлар яратилган⁷. Тоҷик тилшунослигида олиб борилган бу каби тадқиқотлар диққатга сазовор, аммо уларда оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуби ҳақида баъзи мулоҳазалар баён қилинган.

Ўзбекистондаги тоҷик газеталари тили, айниқса, мустақиллик йилларидаги уларнинг тили ва услубида рўй берган ўзгаришлар махсус тадқиқ этилмаган. Миллий тилшунослик фанининг бу соҳада эришган ютуқларига таянган ҳолда «Овози тоҷик» ва «Овози Самарқанд» газеталари

¹ Курбанов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1987. - 22 с.

² Бобоева А. Газета тили ҳақида. - Тошкент: Фан, 1983. - 55 б.; Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. - Тошкент: Фан, 1986. - 124 б.; Абдусайдов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. - Самарқанд, 2001. - 192 б.

³ Усмонов И. К. Становление и развитие таджикской печати в 1917-1929 гг. Автореф. дис. ... канд. дис. филол. наук. - М., 1976.

⁴ Бердиева Т. Газетная лексика и вопросы терминологии. Масъалаҳои забоншиносӣ. - Душанбе, 1983.

⁵ Тураходжаева Р. Лексические новообразования русско-интернационального происхождения в таджикском языке (по материалам газеты «Ҳақиқати Ўзбекистон» за 1950-1975 гг.). Канд. дисс. - Душанбе, 1986.

⁶ Шукуров М. Ҳар суҳан чоёву ҳар нуқта мақоме дорад. - Душанбе: Ирфон, 1985.

⁷ Камолитдинов Б. Суҳан аз баҳри дигарон гўянд. - Душанбе: Интерньюс, 2001. Забон ва истиқлол (мачмўаи мақолаҳо). - Душанбе, 2001, саҳ. - 41-48. Назарзода С. Аз "Бухорои шариф" то "Ҷумҳурият" Нигоҳе ба забони рўзнамаҳои тоҷик > http://www.jumhuriyat.tj/index.php?art_id=8924 (September, 2017)

⁷ Камолитдинов Б. Суҳан аз баҳри дигарон гўянд. - Душанбе: Интерньюс, 2001. Забон ва истиқлол (мачмўаи мақолаҳо). - Душанбе, 2001. Қосимова М. Н. Баъзе қайдҳо дар бораи забони омма. Забон ва истиқлол (мачмўаи мақолаҳо). - Душанбе, 2001, саҳ. - 41-48. Назарзода С. Аз "Бухорои шариф" то "Ҷумҳурият" Нигоҳе ба забони рўзнамаҳои тоҷик > http://www.jumhuriyat.tj/index.php?art_id=8924 (September, 2017)

тилини, уларда мустақиллик йилларида юз берган лисоний, услубий ва лексик ўзгаришларни, жанрлар таснифи ва хусусиятлари каби масалаларни кенг планда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, Ўзбекистондаги тожик газеталари тили ва услубини ўрганиш, ишнинг умумий тавсифида ҳам таъкидланганидек, бугунги кунда ҳам илмий, ҳам амалий қимматга эга ва келгуси тадқиқотларга кенг йўл очиб беради. Бу ҳолатни қуйидагилар билан асослаш мумкин:

- тожик газеталари Ўзбекистонда истиқомат қилаётган тожик миллатига мансуб фуқароларни аниқ, асосли, сараланган, қайта ишланган, таҳлил этилган ахборотлар билан таъминлашда муҳим воситалардан биридир.

- Ўзбекистонда яшаётган тожикларнинг амалга оширилаётган ислохотларга бўлган ишончини ошириш, фаол иштирокчи бўлиш, Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, тегишли қонунлар ижросини таъминлашга йўналтириш ва бошқа зарур ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондиришда «Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталари муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

- газета тили ва услубини илмий асосда ўрганиш унинг таъсирчанлигини оширишда, омма онгини шакллантиришда тилнинг имкониятларини кўрсатишда муҳим роль ўйнайди.

- мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар таъсирида тожик газеталари лексикасида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берганлигини таҳлил этиш газеталарнинг таъсир кучини янада оширишга, уларнинг ҳозирги ҳолатини илмий баҳолашга, адабий меъёр бузилишларини бартараф этишга ва илмий тавсиялар беришга ёрдам беради. Газетанинг саводхонлик кўзгуси эканлигини назарда тутганда, илмий тадқиқотлар аҳоли саводхонлиги ва нутқ маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

- тожик газеталари тили ва услубини ўрганиш Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатнинг барпо этилаётганидан, турли миллат ва элатларнинг тилларига ҳам катта эътибор берилаётганидан, «Давлат тили ҳақида»ги қонун талаблари изчил амалга оширилаётганидан, Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати олиб бораётган доно сиёсатдан далолат беради.

Биринчи бобнинг «Ахборот (информацион) жанрларнинг тили ва услуби» фаслида хабар, репортаж, ҳисобот, интервью жанрларининг тил хусусиятлари таҳлил этилган. «Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталарида хабарнинг алоҳида ўрни бор. Хабар жанрида кўпроқ публицистик услубга хос сўзлар ишлатилади. Баъзан репортаж, интервью каби жанрларда публицистик услуб воситалари билан бир қаторда илмий, бадиий ва сўзлашув услубларига хос тил воситалари ҳам кенг қўлланилади. Газетада репортаж, ҳисобот, интервью каби жанрларда ишлатиладиган тил бириклари ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳисобот газетада энг

кўп тарқалган ахборот жанрларидан биридир. Унда, кўпинча, сиёсий мавзудаги йиғилиш, кенгаш, учрашув каби воқеаларнинг тафсилоти ўз аксини топади. Ҳисобот жанрида ижтимоий-сиёсий атамалар, содда ва кўшма гаплар кўпинча ўрин олади.

Интервью жанрида, кўпинча, адабий тил ва адабий сўзлашув нутқига хос сўзлардан фойдаланилади. Интервьюда адабий сўзлашув нутқига хос сўзлар, халқ мақоллари, фразеологизмлар кўплаб ишлатилади, баъзан шевага хос сўзлар ҳам учрайди. Унда содда тўлиқсиз гаплар, сўроқ ва риторик гаплар кўп қўлланиб, кўшма гаплар ниҳоятда кам ишлатилади.

Юқорида қайд этилган умумий хусусиятлар билан бирга ҳар бир жанрнинг ўзига хос жиҳатлари, тил бирликларини қўллашдаги айрим фарқлари ҳам мавжуд. Ушбу ҳолатлар ҳар бир жанр бўйича алоҳида-алоҳида диссертацияда таҳлил этилган.

Масалан, «Овози тожик» газетаси материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, репортаж сарлавҳасида кўпинча байрам, тантанали кунлар, одамлар тантанали ҳаётининг лаҳзалари кабилар акс этирилган: *Шўҳрати «Дўстлик» аз меҳнат* (От., 4.01.03), *Кишвари орзуҳои покиза* (От., 25.01.03), *чашни фархундаи олими мумтоз* (От., 8.01.03). Репортажда воқеанинг жонли тарзда тасвир этилганлиги унда таъсирчан, бўёқдор сўзларни кўпроқ ишлатиш ҳисобига бўлган: *обҳои чонбахш* (От., 3.07.02), *ташнағони маърифат, саҳифаҳои дурахшон дар таърихи фарҳанг, ин шахсон ҳангоми донишчӯи низ обу оташ буданд* (От., 19.04.03).

Ҳисобот мавзусига мос равишда турли атамалар, сўзлар ишлатилган. Масалан, сиёсат соҳасида: *интихобот, участка, овоздихӣ, депутат, интихобкунандагон, парламент, демократия, ҳизб, шахрвандӣ*. Ҳисобот материалларида ўзлашган сўзлар ва атамалар ҳам кўп қўлланилади: *парламент, палата, демократия, департамент, участка, депутат, бюллетен, эволютсия, пломба, комиссия, литсей, колледж*. Айрим сўз бирикмалари мавзу доирасида ҳисобот матнининг асосини ташкил қилади: *давлати демократӣ, палатаи қонунофарии Олий Маҷлис, назоратчиёни байналхалқӣ, чараёни сиёсӣ, участкаҳои интихоботӣ, қабули қонунҳо, парламенти дупалатагӣ, навғониҳои қонунгузориин интихоботӣ, сиёсати мамлакат, ҳизбҳои сиёсӣ* (От., 29.12.04).

Интервью матнида сўроқ гаплар, синоним сўзлар, мавзуга оид, масалан, ижтимоий-сиёсий сўзлар, илмий, техникавий, адабиёт, санъат, спортга оид терминлар ишлатилади. Зеро, интервьюнинг тил хусусиятлари сўзлашув услубига яқин бўлиб, у китобий услубга қараганда эркиндир¹. Интервьюда баъзан гаплар тўлиқ шаклга эга эмас. Улар тўлиқсиз гап ёки инверсияли гап шаклида бўлади.

Мазкур бобнинг «Таҳлилий (аналитик) жанрларнинг тил хусусиятлари» номли фаслида корреспонденция, мақола, тақриз, шарҳ,

¹ Камолиддинов Б. Забон ва услуби Ҳаким Карим. - Душанбе: Ирфон, 1967, сах. -185.

обзор, хат кабиларнинг асосий хусусиятлари аниқлик, объективлик ва таҳлилийликни таъминлаш нуктаи назаридан таҳлил этилади.

Корреспонденцияда кўпроқ қаламга олинган мавзу соҳасига оид сўзлар қўлланилган: *амонаткассаҳо, маблағ, нархи наво, қурб, қурбнок, қарздор, бонкҳо, индексатсия, нарх, суғурта, бозоргон, иқтисод* ва бошқалар. Корреспонденцияда мажозий сўзлар ва фразеологик бирикмалар кам ишлатилган, лекин улар муҳим вазифани бажарган: *оҳи сабук кашидан, барои гўру чўби худ, ба забон нагирифтан, рафтори некбинона, афсўс хўрдан, амонатҳо беҳаракат хобидан, дилро ба таиивиш овардан, беқурбшавиш беҳади пулро аз сар гузаронидан, қувваю донишу гайрати худро баҳри шукуфониш Ватан бахшидан.*

Корреспонденция тилида янги сўзлар, русча-байналмилал сўзлар, арабча ўзлашма сўзларнинг қўлланиши мавзуга қараб бошқа жанрлардан фарқ қилмайди.

«Овози тожик» газетасида, хусусан, мустақиллик даврида бош мақола кўп босилган. «Овози тожик» газетасида бош мақолалар асосан 1994-1995 йиллардан кейин, яъни Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида кўпроқ чоп этилган. Уларда кўпроқ сиёсат, иқтисодиёт, маданият соҳасидаги сўз ва атамалар кўп қўлланилган: *ҳамкорӣ, ҳамкориш минтақавӣ, терроризм, экстремизм, таҳдид, созишнома, нашъамандӣ, террор* (От., 26.04.2000), *вомдихӣ, дебитор, кредит, кредитор, бизнес, мониторинг* (От., 16.02.2000) ва бошқалар.

Мақола жанрида ёзилган материаллар турли мавзуларга оид бўлгани, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча қирраларини ёритишга бағишланганлиги учун ҳам уларнинг тилида русча-байналмилал сўзлар: *академик, филм, сценария, театр* (От., 5.04.08), *рол, редакция, пленум, конференция* (От., 16.03.08); арабча ўзлашган сўзлар: *тадқиқ* (От., 23.04.08), *муосир, мубориз* (От., 16.03.08), *мактаб, муассиса, муқаддима* (От., 5.04.08) ўрни билан мавзу доирасида кўплаб ишлатилган. Бош мақолада услубий бўёқдор сўзлар, мажозий ва тасвирий ифодалар кам қўлланилган. Мақоланинг муаммовий, ташвиқот характеридаги турлари айрим тил хусусиятлари билан корреспонденцияга бирмунча яқин туради. Танқидий мақолаларнинг тилида фельетонга хос хусусиятлар акс этган. Ушбу фаслда, шунингдек, тақриз, шарҳ, обзор, хат жанрларининг тил хусусиятлари ёритиб берилган.

Биринчи бобнинг «Бадиий-публицистик жанрларнинг тили ва услуби» номли фаслида бадиийлик, образлилик, таъсирчанлик нуктаи назаридан лавҳа, очерк, фельетон жанрларининг тил хусусиятлари таҳлил этилади. Лавҳа жанрида ҳам ахборот бериш муҳим бўлса-да, унда эмоционал-экспрессив луғавий бирликлардан фойдаланиш асосий хусусиятлардан ҳисобланади. Очерк тилининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда ижтимоий-сиёсий луғавий бирикмалар, терминлар қаторида эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзлар, сўз бирикмалари, иборалар кўп қўлланилади. Одатда, очеркларда қахрамоннинг сиймоси ва фаолияти аниқ, равшан ва

мазмунли сўзлар орқали акс эттирилади. Газета очеркларида бир қатор сўзлар ишлатилган бўлиб, улар ниҳоятда таъсирчан восита ҳисобланади. Жумладан, *губоро, пайкара, мучассама* (От., 13.12.97), *само, осмонбўс, тармим* (От., 1.01.2000), *аҳсан, турнасо, падруд, таблиғ, тарғиб* (От., 16.04.97). Баъзан очеркларда шевага хос сўзлардан ҳам фойдаланилган. Масалан, *«рўган»* (От., 1.01.2000), *«ойтй»* (От., 13.12.97). Уларни *«равган», «хола»* шаклида ишлатиш ҳам мумкин эди. Лекин журналист очеркда бадий асарга хос индивидуаллаштириш приёмидан фойдаланган кўринади.

Истиклол даврида газеталарда бадий жиҳатдан таъсирчан образлар акс этган очерклар яратила бошлади. Уларнинг тили ҳам равон, имло қодаларига тўла мослиги билан эътиборни тортади.

«Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталари саҳифаларида босилган фельетонлар тилида синоним сўзлар, иборалар, халқ мақоллари кучли услубий восита вазифасини бажарган. Умуман, фельетон жанри материаллари тилининг образлиги, таъсирчанликни ифодаловчи воситалардан унумли фойдаланилганлиги билан ажралиб туради. Лекин мустақиллик йилларида фельетонларнинг яратилиши анча камайган. Буни улар ўрнида танқидий мақолаларнинг босилиши кўпайганлиги билан ҳам асослаш мумкин.

Ишнинг иккинчи боби **«Мустақиллик йиллари тожик матбуотининг тили ва услубидаги луғавий ўзгаришлар»** деб номланган. Бобнинг «Тожик тилидаги луғавий ўзгаришлар ва уларнинг матбуотда акс этиши» фаслида тожик адабий тилининг луғавий таркибида юз берган ўзгаришларнинг кўп йиллар давомида шаклланганлиги, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр этилаётган тожик газеталари тилидаги ўзгаришлар таҳлил қилинади.

«Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталарининг тилида ҳам бу ўзгаришлар мустақилликнинг дастлабки даврларида юз бера бошлади. Сўнгги ўн йилликларда тожик матбуотида русча-байналмилал сўзларнинг миқдори анча камайиб, уларнинг тожикча вариантлари ишлатила бошлади. Масалан, Ўзбекистон ҳудудидаги тожикча газеталар воситасида қуйидаги асл тожикча ё арабча сўзлар истеъмолга кирди: *валюта - арз, асьор; паспорт - шиноснома; томожный - гумрук; диагностика - таиҳис; гражданин - шахрванд*. Ҳатто *шиноснома* (паспорт) ҳам доред! (От., 26.02.03). Аввал ин ки мафҳуми *фарҳанг* (культура) аз лиҳози мазмун аз тамаддун доманадор, васеътар мебошад (От., 5.07.03).

Тожик тили лексикасидаги айрим ўзгаришларни матбуот материалларида аниқ кўриш мумкин: Дар мусобиқаи байналхалқӣ барои чоми Конфедератсияи футболи Осиё шарафи мамлакатамонро *чамоаи «Нефтчӣ»* (Фарғона) муваффақиятнок ҳимоя мекунад (От., 30.05.09). Кирмакпарварони *вилояти Самарқанд* супориши давлатии ба давлат фуруҳтани пилларо сарбаландона ичро намуданд (От., 13.06.09). Дар соҳаи

тичорату иқтисодиёт дар байни кишварҳои мо режими беҳбудихои бештар амал мекунад (От., 13.06.09).

Газета тилида бир маънода бир неча сўз ва терминларнинг қўлланилиши ижобий ҳодиса эмас. Бу ҳолат оддий сўзларни ишлатишда мумкин бўлса ҳам, терминлар қўлланилишида ижобий ҳодиса эмас. Масалан: Фикр мекунам, ки тамаддуни замони моро тамаддуни *иттилоотӣ* (*информатсионӣ*) гуфтан ба ҳақиқат наздик мебуд, зеро *информатсия* (*иттилоот*) тамоми фаъолияти инсониро дарбар гирифтааст (От., 5.07.03).

Ёки «инвестиция» сўзини «маблағгузорӣ» (маблағ қўйиш) сўзи билан алмаштиришдан олдин унинг маъносини назарда тутишимиз лозим. Бу сўз «Русча-тожикча луғат»да¹ таржимада ҳам айнан «инвеститсия», «инвеститсионӣ» шаклда берилган. Ҳозирги вақтда инвестиция [нем. *investition* < лот. *investire* – кийинтирмак, сарпо бермак] сўзи «мамлакат ичкарисида ёки чет элда, фойда қўриш мақсадида бирор корхонага, иқтисодиётнинг муайян тармоғига капитал қўйиш, киритиш ва шундай капиталнинг ўзи»² маъносини ифодалайди. Бинобарин, унинг ўрнида «маблағгузорӣ» терминининг ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур сўз газетада ана шу байналмилал шаклда ишлатилган: ... ҳини ба рӯи об баровардани лоихаҳои *инвеститсионӣ* бо назардошти васеъ истифода бурдани усулҳои замонавии бозоргонии нархгузорӣ мебошад (От., 14.05.03).

Мустақиллик даври тожик матбуоти, жумладан, «Овози тожик» ва «Овози Самарқанд» газеталари тилида сўз ва атамаларини қўллашда турли хиллик мавжуд бўлиб, вариантликни юзага келтирган. Аслида газета тилида атамаларни ишлатиш соҳасида бир хилликни таъминлаш лозим. Масалан: *амнистия* - *амнистия*, *авфи умумӣ*; *агент* - *вакил*, *агент*; *акт* - *далолатнома*, *акт*; *актив* - *фаъл*, *актив*; *аксия* - *ҳаракат*, *аксия*; *квалификация* - *малака*, *ихтисос*, *квалификация*.

«Мустақиллик йилларида қайта истеъмомлга кирган сўз ва терминлар» сарлавҳали фаслда давр тақозоси билан олдин ишлатилиб, кейинчалик унутилаётган айрим сўз ва терминлар бугунги кунда фаол қўлланила бошлаганлиги таҳлил этилган. Қуйидаги сўзларни шу гуруҳга киритиш мумкин: *абитуриент* - *абитуриент* (*таҳсилталаб*), *архив* - *архив* (*ҳуҷжатхона*), *астроном* - *астроном* (*фалакиётчӣ*), *аэропорт* - *аэропорт* (*тайёрагоҳ*, *бандаргоҳ*, *парвозгоҳ*), *бизнес* - *бизнес* (*корчаллон*), *биржа* - *биржа* (*тичоратгоҳ*), *бухгалтер* - *бухгалтер* (*ҳисобчӣ*, *мусоҳиб*), *валюта* - *валюта* (*пули хорича*).

Устоз Айний фаолиятининг муҳим кирраларидан бири тожик матбуоти ва унинг тили эди. Айний тожик матбуоти тилининг ҳолати, унинг софлиги, адабий меъёрга мос бўлиши учун ғоят катта жонқуярлик кўрсатган эди. Устоз Айнийнинг барҳаёт анъаналарини бугунги кунда давом эттирилиб,

¹ Луғати русӣ-тоҷикӣ. – М.: Русский язык, 1985, сах. -351.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006, -Б. 206.

ҳозирги тожик газеталари тили луғавий таркибида бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Ўтган асрнинг маълум даврларида истеъмолда бўлган айрим тожикча сўзлар русча-байналмилал вариантлари билан алмаштирилиб, тожикча вариант қарийб унутилган эди. Бугунги кунда ўша сўз ва терминлар қайта ишлатила бошлади. Масалан:

1. Сиёсатга сўзлар: *қўмита (комитет), фуқаро, шахрванд (гражданин), ҳоким (котиб, котиби якум), чумхурият (республика)*. 2. Иқтисодиётга оид сўзлар: *содирот (экспорт), воридот (импорт), муовиза (бартер), бўҳрон (кризис), гумрук (таможный), корчаллон (бизнесмен)*.

Қайта қўлланаётган сўзлар қаторига ҳужжатларнинг номи ҳам киради. Шўролар даврида ҳужжатларнинг номларини ифодаловчи сўзлар асосан русча-байналмилал шаклда ниҳоятда кенг қўлланилган. Мустақиллик шарофати билан улар ўрнида тожикча вариантлар кенг ишлатила бошлади. Масалан, *нақша, реча (план), қарор (протокол), чипта (билет), сарқонун (конституция), маълумотнома (справка), тавсифнома (характеристика), тавсиянома (рекомендация)*.

Газеталарда шўролар даврида мавжуд бўлмаган, энди пайдо бўлган янги касб-ҳунар сўзларининг тожикча шакллари топиб ишлатишга эътибор ошиб бормоқда. Бугунги иқтисодиёт соҳасида «бартер»дан ниҳоятда кенг фойдаланилади. Бу тижоратнинг бир содда шаклидирки, мутақобил тижорат маъносига эга. Аслида «бартер» инглизча (*barter* – товар айрибошлаш) сўз бўлиб, «пул маблағлари иштирокисиз бевосита товарга товар айрибошлаш ва шу ҳақдаги шартнома»¹ маъносини ифодалайди. Тожикча газеталар саҳифаларида, кўпинча, бу сўз бир вақтлар кўп қўлланилган арабча шакли билан барабар қўлланилмоқда: Дар айнаи замон ба вазъи иқтидорҳои асосии истеҳсолий, истифодабарии технология, ҳамчунин мавҷудияти захираҳои дохила ва баъзан *муовиза (бартер)* - и он баҳри раҳо ёфтган аз вазъи бўҳронӣ диққату эътибори калон дода мешавад (От., 28.06.97).

Хуллас, мустақиллик шароитида тожикча кўплаб сўзлар қайта фаол ишлатила бошлади. Бунда газеталарнинг ўзига хос ижобий роли бор.

Учинчи боб «**Мустақиллик даври тожик матбуоти тили ва тожик адабий тили меъёри**» деб номланган. Газета тилида адабий тилнинг мавжуд меъёрларига амал қилинишини таъминлаш адабий тилнинг келгуси ривожланиши учун ҳам муҳимдир. Зеро, газета тили адабий тил лексикасининг бойиши, грамматик қурилишининг силлиқлашиши ва ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши, имло қоидаларининг такомиллашувида катта роль ўйнайди. Тожик тилшунослигида ҳам бошқа тилшуносликлардаги каби тилнинг меъёри тўғрисида кўплаб тадқиқотлар яратилган².

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006, -Б. 172.

² Қаранг: Гаффоров Р. Меъёрҳои забонӣ ва услубӣ. Рӯзномаи «Овози Самарқанд», 7 декабри соли 1993. Гаффоров Р. Нигоҳе ба хусусияти меъёри забони адабии кунунии тоҷик. Рӯзномаи «Тоҷикистони Советӣ», 16 июни соли 1991.

Меъёр ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли ҳодиса бўлиб, тилнинг ҳамма намунали ва яхши воситаларини қамраб олади¹.

Маълумки, ўтган асрнинг йигирманчи йилларида замон тақозоси билан тожик тилини соддалаштириш тўғрисида кўп баҳслар бўлган. Устоз Айний мазкур масалага доир бир қатор махсус мақолалар ёзган². Тожик олимлари Р.Ғаффоров, Ш.Рустамов, Б.Камолиддинов, Б.Тилавов, М.Қосимова ва бошқалар матбуот тили ҳамда нутқ маданияти хусусида баҳслашиб, газета тили камчиликларига доир фикрларини баён этдилар³.

XXI аср бошларида бу ҳақда етук тилшунос Б.Камолиддинов, М.Қосимова, Ғ.Жўраев, Р.Ҳошимов ва бошқалар турли илмий асарларида бугунги тожик матбуоти ва адабий тил муаммолари тўғрисида қимматли мулоҳазаларини жонқуярлик билан билдирдилар⁴.

Истиқлол давридаги тожик матбуоти шўролар замонида нисбатан сезиларли ривожланди. Унинг тилида ҳам муайян ўзгаришлар юз берди. XX асрнинг 60-70-йилларида газеталарда русча-байналмилал сўзлар ҳеч қандай заруратсиз ниҳоятда кўп қўлланилган ва анъана тусига кирган эди. «Овози тожик» газетасининг 1973 йил 31 мартда нашр этилган сонидида 930 та русча-байналмилал сўзлар ишлатилган. «Овози тожик» газетасининг 2009 йил 3 июндаги сонидида, 134 та русча-байналмилал сўз қўлланилган.

Ўзбек тилида адабий норма ва услуб масаласи, нутқ маданияти муаммолари тўғрисида қатор тадқиқотлар вужудга келди⁵.

Р.Ғаффоровнинг фикрича, «адабий норма тилнинг яхши ва намунали воситаларини қўллаш қоидабини қамраб оладики, улар оммага мақбул бўлиб, илм аҳли тилнинг муайян ривожланиш даврида оғзаки ва ёзма нутқда фойдаланиладилар»⁶. «Тил нормаси, - дейди Р. Ғаффоров, - абадий ва қотиб

¹ Ғаффоров Р. Нигоҳе ба хусусияти меъёри забони адабии кунунии тоҷик. Рӯзномаи «Тоҷикистони Советӣ», 16 июни соли 1991.

² Айний С. Аҳгари инқилоб. - Душанбе: Дониш, 1978, саҳ. -98.

³ Маданияти суҳан. Мачмӯаи мақолаҳо. -Душанбе: Дониш, 1988, саҳ. - 136.

⁴ Камолиддинов Б. Суҳан аз баҳри дигарон гӯянд. - Душанбе: Интернiос, 2001, саҳ. -170. Қосимова М. Баъзе қайдҳо дар бораи забони аҳбори омма. Мачмӯаи илмии «Забон ва истиқлол». - Душанбе, 2001, саҳ. -41-48.

Чўраев Ғ. Истиқлол ва сиёсати забон. Мачмӯаи илмии «Забон ва истиқлол». -Душанбе, 2001, саҳ. -26-40.

Ҳошимов Р. Забон омили рушду камоли миллат аст. Мачмӯаи илмии «Забон ва истиқлол». - Душанбе, 2001, саҳ. -20-25.

⁵ Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Нутқ маданияти асослари. – Самарқанд, I қисм, 1985; II қисм, 1986; III қисм, 1987. Маматов А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари.

Докторлик диссертацияси. - Тошкент, 1991. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Фил.фан.док.дис. автореф. -Тошкент,1993. Каримов С.

Ўзбек тилининг бадий услуби. Фил.фан.док.дис. автореф. -Тошкент,1993. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. – Тошкент, 1997. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси (Адабий норманинг типлари). II қисм. – Тошкент, 1998. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси (Адабий норманинг шаклланиш ва яшаш қонуниятлари). III қисм. – Тошкент, 1999. Абдусаидов А. Газета тили ва адабий норма.

Ўқув қўлланмаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1986. Абдусаидов А. Матбуотда адабий нормага риоя қилиш муаммолари. (Журналистлар, таҳририят ходимлари, талабалар учун қўлланма). – Самарқанд, 2001.

Абдусаидов А. Матбуот тили маданияти (илмий, илмий-оммабоп мақолалар, тақризлар тўплами). Қўлланма. – Самарқанд, 2002. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Фил. фан. док. дис. автореф. – Тошкент, 2005.

Абдусаидов А. Матбуот тили маданияти (илмий, илмий-оммабоп мақолалар, тақризлар тўплами). Қўлланма. – Самарқанд, 2002. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Фил. фан. док. дис. автореф. – Тошкент, 2005.

⁶ Ғаффоров Р. Меъёрҳои забонӣ ва услубӣ. Рӯзномаи «Овози Самарқанд», 7 декабри соли 1993, № 145, саҳ. 3.

қолган ҳодиса эмас. Ҳар бир нарса ва янгиликлар аста-секин ўзгаради, адабий норма ҳам замон талаби билан ўзгаради»¹.

